

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҚОСИМОВ САРВАРБЕК МАХАМАДШУКУР ЎҒЛИ

**ЧАП ТОМОНЛАМА ЧАМБАРСИМОН ИЧАК ЎСМАСИЗ
КАСАЛЛИКЛАРИДА ЖАРРОҲЛИК ТАКТИКАСИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Андижон – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қосимов Сарварбек Махамадшукур ўғли

Чап томонлама чамбарсимон ичак ўсмасиз касалликларида жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш.....	3
---	---

Косимов Сарварбек Махамадшукур угли

Оптимизация хирургической тактики при неопуоловых заболеваниях левой половины ободочной кишки.....	25
---	----

Kosimov Sarvarbek Mahamadshukur ugli

Optimization of surgical strategies for non-tumorous left colon diseases.....	47
--	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....	51
------------------------------	----

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҚОСИМОВ САРВАРБЕК МАХАМАДШУКУР ЎҒЛИ

**ЧАП ТОМОНЛАМА ЧАМБАРСИМОН ИЧАК ЎСМАСИЗ
КАСАЛЛИКЛАРИДА ЖАРРОҲЛИК ТАКТИКАСИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Андижон – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.PhD/Tib4982 рақам билан рўйҳатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сахифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ботиров Акрам Кодиралиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ходжиматов Гуломиддин Минходжиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Саттаров Ойбек Тохирович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт универсиитети

Диссертация химояси Андижон давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақами Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйҳатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «____» _____ даги _____-рақами реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий жаражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ўткир ичак тутилиши (ЎИТ) юз йилдан ортиқ вақтдан бери шошилинч хирургиянинг долзарб муаммоси бўлиб келмоқда. Ҳозирги вақтда жаҳон амалиётида айниқса йўғон ичакнинг ўсма билан боғлик бўлмаган шошилинч касалликлари кузатиладиган bemorlar алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Бу касалликларнинг клиник кўринишлари жуда кўп бўлганлиги туфайли эрта ташхис қўйиш қийинлашади, уларнинг турлича пайдо бўлиши эса бажариладиган операция турини белгилаб беради. Барча ЎИТ шакллари орасида йўғон ичак тутулишининг улуши 29-40% ни ташкил қиласди. Шу билан бирга сигмасимон ичак буралиши 10-18%, дивертикулит 2-9%, Пайр касаллиги, чандиклар, битишмалар ва бошқа ҳолатлар 1,4-7,1% ни ташкил қиласди. Бундан ташқари, йўғон ичак тутулишида операциядан кейинги леталлик 13,4-40% ҳолларда учрайди, айрим шаклларида эса 50-78,4% гача етади ва бу кўрсаткич пасайиш тенденциясини намоён этмаяпти¹. Тадқиқот маълумотларига кўра, ўсмасиз генезли йўғон ичак тутулишини хирургик даволашда тактикани белгилашга оид кўплаб масалалар ҳали ҳам мураккаб ва мунозаралигича қолмоқда. Хирурглар орасида асосий баҳс операция ҳажмини танлаш, шунингдек бир босқичли, икки босқичли ёки кўп босқичли операцияларнинг мақсадга мувофиқлиги борасида юзага келади. Бир босқичли операцияларни бажариш bemornining тезроқ нормал ҳаётга қайтишига эришиш имконини берса-да, ўта хавфли асоратлар юзага келиш эҳтимоли юқорилиги туфайли bemorlarнинг 2/3 қисмида йўғон ичак стомасини шакллантиришга тўғри келади. Шу муносабат билан, ушбу патологияда хирургик тактикани оптималлаштириш замонавий хирургиянинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда ўткир йўғон ичак тутулишини хирургик даволашда ичак резекцияси ҳажми ва чегараларини аниқлаш, ичак моторикасини тиклашда функционал аъзо сақловчи ташрих усулларини ишлаб чиқиш, лапароскопик, робот-ассистентлашган ва гибрид ташрих усулларини амалиётга жорий қилиш бўйича амалга оширилаётган тадқиқотлар долзарб бўлиб қолмоқда, анастомоз чоклари етишмовчилигини олдини олиш ҳамда септик асоратларни бартараф этиш учун антибиотикопрофилактика усулларини такомиллаштириш, ERAS (Enhanced Recovery After Surgery) протоколларининг жорий қилиш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда, шунингдек, мавжуд мета-тахлиллар асосида турли усулларда шакллантирилган йўғон ичак анастомозларини хавфсизлигини аниқлаш учун кўп марказли тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари ташхислаш ва хирургик даволашнинг замонавий тамойиллари ва усулларини жорий этиш орқали йўғон ичакнинг турли

¹ Giuliani G., Formisano G., Milone M. Et al. Full robotic hartmann's reversal: technical aspects and preliminary experience. Colorectal Dis., 2020.

патологияларини даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган². Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, хирургик тактикани оптималлаштириш орқали йўғон ичакнинг чап ярмидаги ўсмага оид бўлмаган шошилинч касалликларнинг асоратларини даволаш натижаларини яхшилаш, ушбу патологиянинг юқори тиббий-ижтимоий аҳамияти туфайли хирургик колопроктологиянинг, ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими니 тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон “Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласи.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чап томонлама йўғон ичак тутилишининг шошилинч асоратлари, асосан сигмасимон ичак буралиши, Пайр касаллиги, битишмали жараён ва дивертикуляр касалликни ўз ичига олган ҳолда, бир асрдан ортиқ тарих давомида ичак хирургиясининг долзарб муаммоси бўлиб келган ва ҳануз шундай бўлиб қолмоқда. Савельев В.С. (2014) маълумотларига кўра, ўткир ичак тутилишининг учраш частотаси хирургик стационарларга қорин бўшлифининг ўткир касалликлари билан ётқизилган барча bemорларнинг 7–8% ини ташкил этади³. Шу билан бирга, ўлим кўрсаткичи 5,1–8,4% ни ташкил этиб, барча шошилинч касалликлар орасида етакчи ўринни эгаллайди. Айрим маълумотларга кўра, ҳатто ихтисослашган шошилинч хирургия стационарларида ҳам операциядан кейинги ўлим кўрсаткичи 16,0% дан 52% гача тебралишини кўрсатади. Сўнгги ўн йилликлардаги тадқиқотлар маълумотларига кўра, ўткир ичак тутилишининг ўсмага оид бўлмаган турларини хирургик даволашда тактикани белгилаш билан боғлиқ кўплаб масалалар ҳали ҳам мураккаб ва

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

³ Савельев В.С., Кириенко А.И. Хирургические болезни: учебник в двух т. Т. 1 - 2-е изд. Перераб, и доп. - Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2014. -720 с.

мунозарали бўлиб қолмоқда⁴. Хирурглар орасида операция ҳажмини танлаш, бир босқичли, икки босқичли ёки кўп босқичли операцияларнинг мақсадга мувофиқлиги масаласида келишмовчиликлар юзага келади⁵. Йўғон ичакнинг чап ярмида бажарилган операциялардан кейинги ўлим кўрсаткичи ўнг ярмидаги аралашувларга нисбатан юқорироқ бўлади⁶. Инвагинацион анастомоз қўлланилиши анастомоз етишмовчилиги ривожланиш эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради. Шу боис, ичак анастомозларини шакллантиришнинг янги усувларини излаш тўлақонли равишда асосланган ҳисобланади⁷.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозиргача колонстомага эга беморларни хирургик реабилитация қилиш муаммоси тўлиқ ҳал этилмаган ва долзарблигини сақлаб қолмоқда⁸. Ташибидан кейинги асоратлар ривожланишининг яна бир эҳтимолий хавф омили сифатида узоқ вақт стома сақлаб юриш ва реконструктив-тикловчи амалиётни бажаришдаги қийинчиликлар ҳисобланади. Бу ҳолатлар кўпинча операциядан кейинги асоратлар (18-20%), йирингли-яллигланишли асоратлар (22-26%) ва ўлим билан тугалланиш ҳолатлари (3-7%) билан кузатилади⁹. Сўнгти йилларда тибиёт фан ва техникасининг ривожланиши туфайли лапароскопик операцияларни қўллашга оид айрим маълумотлар хирурглар томонидан эълон қилинмоқда. Бироқ, “анъанавий” тикловчи операциялар лапароскопик усувларга нисбатан ҳали ҳам анча устунликка эга. Адабиёт маълумотлари шуни кўрсатадики, сигмасимон ичак товланиши, Пайра касаллиги, чизилма-ёпишма жараён ва дивертикуляр касалликка оид шошилинч асоратларда бугунги кунда операцияларнинг мутлақ кўпчилиги Гартман амалиёти билан якунланади. Ушбу операциянинг бажарилиш частотаси 37% дан 62% гача тебраниб туради ва кейинчалик тикловчи босқични ўtkазишни талаб қиласди. Бу эса кўп ҳолларда хаётга хавф солувчи операциядан кейинги асоратлар (25–60% гача) ва юқори ўлим кўрсаткичи (6–35%) билан кечади. Колостомага эга беморларни хирургик реабилитация қилиш муаммоси ҳали ўзининг якуний ечимидан йироқдир. Тикловчи босқични ўtkазиш эса 40–72% ҳолларда имконияти бўлмайди ёки юқори частотадаги операциядан кейинги асоратлар билан кечади, ўлим кўрсаткичи эса 19,4% гача етган ҳоллар кузатилган¹⁰. Адабиётларда радикал операциялар “У-симон” анастомоз ҳосил

⁴ Ахметзянов Ф.Ш., Егоров В.И. Оптимизация хирургического лечения пациентов после обструктивных резекций толстой кишки. Новости хирургии. 2017. Том 25. № 5. с-488-493.

⁵ Abis G.S.A., Stockmann H.B.A.C., Bonjer H.J. et al. Randomized clinical trial of selective decontamination of the digestive tract in elective colorectal cancer surgery //Br. J. Surg. –2019. –Vol. 106, № 4. – P. 355-363.

⁶ Christou N., Rivaille T., Maulat Ch. et al. Identification of risk factors for morbidity and mortality after Hartmann’s reversal surgery – a retrospective study from two French centers //Sci Rep. 2020;10:3643.

⁷ Михин И.В., Воронцов О.Ф., Грэб К. и др. Влияние селективной деконтаминации кишечника на частоту развития послеоперационных раневых осложнений и недостаточности анастомозов в колоректальной хирургии (обзор литературы) //Хирургия – 2020. – № 7-8. – С. 56-64.

⁸ Абдуллаев Б.Р., Ботиров Ж.А. Анализ результатов реконструктивно-восстановительных операций у стомированных пациентов //Материалы научно-практической конференции. Андижан - 2020. 637.

⁹ Abis G.S.A., Stockmann H.B.A.C., Bonjer H.J. et al. Randomized clinical trial of selective decontamination of the digestive tract in elective colorectal cancer surgery //Br. J. Surg. –2019. –Vol. 106, № 4. – P. 355-363.

¹⁰ Ботиров Ж.А. Оптимизация хирургической тактики после операции Гартмана //Автореф. дисс. ... канд. мед. наук. Андижан. -2023. -56с.

қилиш билан якунланадиган жарроҳлик аралашувлари ҳам маълум. Бироқ, бундай усуллар амалиётда кенг қўлланишга эга бўлмаган¹¹.

Шундай қилиб, адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу патологияни кўриб чиқиша тадқиқотчиларнинг аксарияти муаммонинг фақат айрим жиҳатларига эътибор қаратишган. Бу, бизнинг фикримизча, операциядан кейинги асоратлар ва ўлим ҳолатларининг юқори кўрсаткичлари сакланиб қолаётган сабаблардан бири ҳисобланади. Шу боис тақдим этилаётган диссертация мавзуси долзарб бўлиб, хирургик тактикани такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, ушбу тоифадаги bemорларни даволаш натижаларини яхшилаш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тибиёт институтининг илмий ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хирургик тактикани оптималлаштириш орқали йўғон ичакнинг чап ярмининг ўсмага оид бўлмаган шошилинч касалликларнинг асоратларини даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

йўғон ичакнинг чап ярмининг шошилинч ўсмасиз касалликлари асоратларини жарроҳлик даволашнинг бевосита натижаларини ретроспектив таҳлил қилиш ва радикал, паллиатив операциялар ва ичак stomasi шаклланишидан кейинги асоратларнинг тузилишини, частотасини ва табиатини аниқлаш;

йўғон ичакнинг чап ярмининг ўсма билан боғлиқ бўлмаган шошилинч касалликлари асоратларида қўлланиладиган “У-шаклли” комбинирланган stomani «чўқтирилувчи» чоклар билан шакллантириш усулини такомиллаштириш;

йўғон ичакнинг чап ярмининг ўсма билан боғлиқ бўлмаган шошилинч касалликлари асоратларида хирургик тактикани оптималлаштириш имконини берадиган даволаш-ташхисот алгоритмини такомиллаштириш;

йўғон ичакнинг чап ярмининг ўсма билан боғлиқ бўлмаган шошилинч касалликлари асоратларида амалга оширилган радикал (бир вақтнинг ўзида), паллиатив ташрихлар ва йўғон ичак stomasi шакллантирилган ҳолатларда жарроҳлик даволаш натижаларини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг обьекти 2014–2022 йиллар давомида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали, АДТИ клиникаси ҳамда шаҳар шифохонаси хирургия бўлимларида йўғон ичакнинг чап ярмининг ўсма билан боғлиқ бўлмаган шошилинч касалликлари асоратлари туфайли йўғон ичакда турли хил оператив аралашувлар ўтказилган 139 нафар bemорлар олинган.

¹¹ Мамадиев А.М. Пути улучшения результатов хирургического лечения и реабилитации острой левосторонней толстокишечной непроходимости //Автореф. дисс. ... канд. мед. наук. Андижан. -2023. -48с.

Тадқиқот предмети йўғон ичакнинг чап ярмининг ўсма билан боғлиқ бўлмаган шошилинч касалликлари асоратларида оптималлаштирилган тактика асосида қўлланилган даволаш-ташхисот алгоритми ва тақомиллаштирилган «У-шаклли» йўғон ичак стомасини шакллантириш усулининг яқин ва узоқ давр натижалари самарадорлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, махсус ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

йўғон ичак чап ярим қисмининг ўスマГА оид бўлмаган ургент касалликлари асоратларида бажариладиган бир босқичли радикал, паллиатив ташрихлар ва ичак стомаларини шакллантиришда асоратларнинг тузилиши, учраш частотаси, хусусиятлари ва сабаблари аниқланган;

йўғон ичак чап ярим қисмининг ўスマСИЗ генезли шошилинч касалликлари асоратларини хирургик даволашда «охирини-ёнга» тамойили бўйича «чўқтирувчи» чоклар билан шакллантириувчи комбинацияланган «У-симон» стома қўйиш усули тақомиллаштирилган;

йўғон ичак чап ярим қисмининг ўスマГА оид бўлмаган ургент касалликларини ташхислаш ва даволашда энг мақбул усулни танлаш имконини берувчи ташхисот-даволаш тартиботи ишлаб чиқилган;

йўғон ичак чап ярим қисмининг ўスマГА оид бўлмаган ургент касалликлари асоратларида бажариладиган бир босқичли радикал, паллиатив ташрихлар ва ичак стомаларини шакллантиришда даволаш натижаларини яхшилашда мақбуллаштирилган хирургик тактиканинг клиник самарадорлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

йўғон ичак чап ярим қисмининг ўスマГА оид бўлмаган ургент касалликларида ташхисот-даволаш алгоритмини ва тақомиллаштирилган комбинацияланган «У-симон» стомани жорий этиш асосида хирургик тактика оптималлаштирилган;

йўғон ичак чап ярим қисмининг ўスマГА оид бўлмаган шошилинч касалликларида ичакни ишончли декомпрессия қилиш билан бирга анастомознинг етарли даражада битиши учун қулай шароит яратиш имконини берувчи тақомиллаштирилган комбинацияланган «У-симон» стомани қўллашнинг клиник самарадорлиги исботланган;

чап томонлама йўғон ичакнинг ўスマСИЗ шошилинч касалликларида модификация қилинган комбинирланган “У-симон” стомани шакллантириш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги bemорлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларидан фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар хамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, йўғон ичак чап ярим қисмининг ўスマГА оид бўлмаган ургент касалликлари асоратларида бажариладиган бир босқичли радикал, паллиатив ташрихлар ва ичак стомаларини шакллантиришда асоратларнинг тузилиши, учраш частотаси, хусусиятлари ва сабабларига оид мавжуд билимларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида йўғон ичак чап ярим қисмининг ўスマГА оид бўлмаган ургент касалликларида ташхисот-даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги ва комбинацияланган «У-симон» стомани шакллантириш усули такомиллаштирилганлиги ва шу аснода хирургик тактика оптималлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хирургик тактикани оптималлаштириш орқали йўғон ичакнинг чап ярмидаги ўスマГА оид бўлмаган шошилинч касалликларнинг асоратларини даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: йўғон ичак чап ярим қисмининг ўスマГА оид бўлмаган ургент касалликлари асоратларида бажариладиган бир босқичли радикал, паллиатив ташрихлар ва ичак стомаларини шакллантиришда асоратларнинг тузилиши, учраш частотаси, хусусиятлари ва сабаблари аниқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 марта 61-25/и-сон билан тасдиқланган «Чап томонлама ўスマСиз касалликларида жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг 03.06.2024 йилдаги 118/1-сон, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 07.07.2024 йилдаги 79-сон ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 20.06.2024 йилдаги 136/3-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 марта 13/20-сон хулосаси). Ижтимоий самараадорлиги: илмий янгиликдан фойдаланишда шошилинч холатларида учрайдиган асоратлар ривожланишини олдини олишга, беморларни даволаш сифатини оширишга шунингдек ўлим кўрсаткичларини камайтиришга имкон беради. Иқтисодий самараадорлиги: йўғон ичак чап ярим қисмининг ўスマГА оид бўлмаган касалликлари асоратларини даволашда ушбу илмий янгиликдан фойдаланиш касаллик асоратларини олдини олиш ва адекват даволаш усулини қўллаш хисобига bemorlarning стационарда бўлиш муддатини ўртacha 12,8 кундан 6,4 кунгача қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 2 млн. 300 минг сўмга камайтирган; шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши хисобига дори-дармон кам талаб этилган. Хулоса: ётоқ-

ўрин айланмаси ҳаражати камайиши ҳисобига бир нафар bemордан 2 млн. 300 минг сўмни иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: йўғон ичак чап ярим қисмининг ўсмасиз генезли шошилинч касалликлари асоратларини хирургик даволашда «охирини-ёнга» тамойили бўйича «чўқтирувчи» чоклар билан шакллантирилувчи комбинацияланган «У-симон» стома қўйиш усули такомиллаштирилганлиги Андижон давлат тибиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 марта бি-25/и-сон билан тасдиқланган «Чап томонлама ўсмасиз касалликларида жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг 03.06.2024 йилдаги 118/1-сон, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 07.07.2024 йилдаги 79-сон ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Намангандан филиалининг 20.06.2024 йилдаги 136/3-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 10 марта даги 13/20-сон хulosasi). Ижтимоий самарадорлиги: такомиллаштирилган жарроҳлик аралашувининг ҳажми ва шикастланишини сезиларли даражада камайишига, шунингдек перитонит ва ўлимга олиб келувчи асоратларни бартарафлашга имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: илмий янгиликдан фойдаланиш ҳисобига даволашга сарфланган ҳаражатларнинг пасайиши ҳисобига 1 нафар bemор учун (прайスクрант бўйича 1 кунлик ётоқ ўрин 210 минг сўм) 1 млн. 344 минг сўм иқтисод қилинишига имкон берган. Хулоса: ушбу илмий янгиликдан фойдаланиш натижасида сарфланган материаллар ва дори воситаларини қисқартириш ҳисобига бир нафар bemор учун тадбиқ кўлами бўйича ўртача 1 ойда 5 млн. 320 минг сўмни иқтисод қилиш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: йўғон ичак чап ярим қисмининг ўсмага оид бўлмаган ургент касалликларини ташхислаш ва даволашда энг мақбул усулни танлаш имконини берувчи ташхисот-даволаш тартиботи ишлаб чиқилганлиги Андижон давлат тибиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 марта би-25/и-сон билан тасдиқланган «Чап томонлама ўсмасиз касалликларида жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг 03.06.2024 йилдаги 118/1-сон, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 07.07.2024 йилдаги 79-сон ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Намангандан филиалининг 20.06.2024 йилдаги 136/3-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 10 марта даги 13/20-сон хulosasi). Ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган ташхисот-даволаш тартиботи, радикал операциялардан сўнг ичак жарроҳлиги билан боғлиқ асоратлар частотасини ва умумий асоратларни статистик

жиҳатдан сезиларли даражада камайтиришга имкон беради. Иқтисодий самарадорлиги: таклиф этилган тартиботни қўллаш орқали 1 нафар bemorning шифохонада қолиш муддатини ўртacha 15,4 кундан 7,7 кунгача қисқартириши хисобига, дори-дармон кам талаб этилган. Хулоса: ушбу илмий янгиликдан фойдаланиш ётоқ-ўрин айланмаси ҳаражатларининг камайиши хисобига 1 млн. 617 минг сўмни иқтисод қилиш имкон беради.

тўртинчи илмий янгилик: йўғон ичак чап ярим қисмининг ўсмага оид бўлмаган ургент касалликлари асоратларида бажариладиган бир босқичли радикал, паллиатив ташрихлар ва ичак стомаларини шакллантиришда даволаш натижаларини яхшилашда мақбуллаштирилган хирургик тактиканинг клиник самарадорлиги асосланганлиги Андижон давлат тибиёт институти Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 марта 6i-25/u-сон билан тасдиқланган «Чап томонлама ўсмасиз касалликларида жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиалининг 03.06.2024 йилдаги 118/1-сон, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фаргона филиалининг 07.07.2024 йилдаги 79-сон ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 20.06.2024 йилдаги 136/3-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 марта 13/20-сон хулоаси). Ижтимоий самарадорлиги: йўғон ичак чап ярим қисмининг ўсмасиз шошилинч жарроҳлик касалликларида bemorlarни даволашда тавсия этилган ёндашувлардан фойдаланиш жарроҳликдан кейинги ҳаёт сифатини яхшилашга ва ушбу патологияда ўлим кўрсаткичларини камайтиришга ёрдам беради. Иқтисодий самарадорлиги: ишлаб чиқилган усувларни тадбиқ этиш bemorlarнинг меҳнат қобилиятини тезроқ тикланиши хисобига ҳаражатларни камайтиришга, меҳнат қобилиятини йўқотган bemorlar сонининг 12,4% дан 2,6% га қисқаришига имкон берди. Хулоса: бир нафар bemorни ногиронликнинг бир йиллик пенсиясини хисоблаш асосида ногиронликни камайтириш бўйича кутилаётган бир йиллик иқтисодий самара 9 млн. 533 минг сўмни ташкил қиласи.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та ҳалқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва эълон қилингандиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «**Йўғон ичакнинг чап ярмининг ўスマГА ОИД бўлмаган касалликларнинг шошилинч асоратлари билан боғлиқ муаммоларининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шархи тақдим этилган бўлиб, унда йўғон ичакнинг чап ярмида ўスマГА ОИД бўлмаган касалликларнинг эпидемиологияси, этиопатогенези ва клиник жиҳатлари, шунингдек, шошилинч асоратларда хирургик даволашнинг замонавий ҳолати ва хирургик реабилитация кўриб чиқилган. Таъкидланишича, йўғон ичакнинг чап ярмида ўスマГА ОИД бўлмаган шошилинч касалликлар тиббий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, хирургик реабилитация муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, бир қатор ҳал қилинмаган масалалар мавжуд бўлиб, уларнинг тезкор очими талаб қилинади. Хусусан, ичаклар орасидаги анастомозлар швларининг етишмовчилиги олдини олишнинг асосий йўлларидан бири анастомоз шаклини оптималь равишда танлаш ва биринчи навбатда кечикирилган «Ушакли йўғон ичак анастомози (охиригадан ёнига)»ни ишлаб чиқиш хисобланади. Бу усул тикловчи операциялар муддатини қисқартириш ва натижаларини яхшилаш имконини беради, ва айнан шу масала мазкур тадқиқотнинг асосий мавзусини ташкил этади.


Диссертациянинг «**Клиник тавсиф ва тадқиқот усуслари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий йўналишлари бўйича маълумотлар келтирилган. Тадқиқотнинг асосини йўғон ичакнинг чап ярмининг ўスマГА ОИД бўлмаган шошилинч касалликлари билан оғриган 139 бемор ташкил этади. Шошилинч операцияларнинг сабаблари сифатида сигмасимон ичак буралиши (СИБ), ўткир битишмали ичак тутилиши, сигмасимон ичак буралишини деторзия қилингандан сўнгги долихосигма ва долихоколон, дивертикуляр касаллик (асоратланган шакллари) кўрсатилган.

Режали операцияларнинг сабаблари эса реконструктив-тикловчи операцияларни (РТО) бажариш билан боғлиқ бўлиб, уларга Гартман амалиётидан сўнг колостомани интраабдоминал ёки экстраабдоминал бартараф қилиш кирган. Ушбу bemорлар 2014–2022 йиллар давомида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали, АДТИ клиникаси ҳамда шаҳар шифохонаси хирургия бўлимларида йўғон ичакда турли хил оператив аралашувлар ўтказилган ва тадқиқот мақсадларига мувофиқ шартли равишда икки гурухга бўлинган:

– таққослаш гурухи – (2014–2018 йиллар) – 81 bemор (58,3%), уларда анъянавий ёндашувлардан фойдаланган ҳолда хирургик даволаш натижалари ретроспектив таҳлил қилинган;

— асосий гурух — (2019–2022 йиллар) — 58 бемор (41,7%), уларда оптималлаштирилган хирургик тактика қўлланилган ҳолда хирургик даволаш бўйича проспектив тадқиқот ўтказилган.

Тадқиқотга олинган bemorларнинг тақсимоти ЖССТ томонидан таклиф қилинган Халқаро ёш классификациясига (2021) мувофиқ амалга оширилди. Йўғон ичакнинг чап ярмида ўсмага оид бўлмаган шошилинч касалликларда энг катта контингент 45–59 ёшдаги bemorлардан иборат бўлиб – 60 киши (48,9%), яъни катта ёшдаги, улар аҳоли орасида энг меҳнат қобилияти юқори бўлган қисмини ташкил этади ва тиббий ҳамда иқтисодий аҳамиятга эга. 19–44 ёшдаги, яъни ёш даврдаги bemorлардан шошилинч тарзда 29 киши (20,9%) операция қилинган бўлиб, улар жамиятимизнинг келажагини ташкил қиласди. 60 ёш ва ундан юқори, яъни кекса ёшдаги bemorлардан шошилинч тарзда 42 киши (30,2%) операция қилинган бўлиб, бу тиббий-ижтимоий аҳамиятга эга (1-расм).



1-расм. Тадқиқотдаги гурухлар бўйича bemorларнинг тақсимоти.

Йўғон ичакнинг чап ярмида ўсмага оид бўлмаган шошилинч операция талаб қилувчи касалликлар бўйича жинсий белгилари таҳлилида, эркаклар 97 киши (69,8%), аёллар эса 42 киши (30,2%) ни ташкил қилиб, нисбат 2:1 ни ташкил этади. 139 bemor орасида шошилинч операцияларга сабаб бўлган ҳолатлар қўйидагича тақсимланган: сигмасимон ичак буралиши (СИБ) ичак гангренаси бўлмаган ҳолда – 74 bemor (53,2%); СИБ ичак гангренаси билан – 17 bemor (12,2%); Долихоколон ва долихосигма – 10 bemor (7,2%); битишмали ичак тутилиш – 13 bemor (9,4%); Дивертикуляр касаллик (асоратланган шакллар) – 25 bemor (18,0%).

Шошилинч операцияларга қабул қилинган bemorларнинг вақт бўйича тақсимоти қўйидагича: госпитализациядан кейинги илк 6 соат ичida – 52 bemor (37,4%); 7–24 соат ичida – 36 bemor (25,9%). Бу ҳолат аҳолининг яхши хабардорлиги ва госпитализациягача диагностика сифатининг яхшиланганини кўрсатади. 24–48 соат оралиғида – 24 bemor (17,3%); 2 суткадан ортиқ вақтда – 27 bemor (19,4%). Бу кечиккан ҳолатлар асосий касалликнинг оғирлиги ва бир вақтда мавжуд бўлган терапевтик ҳамроҳ касалликларнинг тузатишни талаб қилиши билан боғлиқ.

Белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун клиник-лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усууллари қўлланилган бўлиб, улар ЎзР ССВ тавсияларига мувофиқ сўнгги стандарт методикаларга асосланган.

Диссертациянинг «Йўғон ичак чап ярмининг ўсмага оид бўлмаган касалликларининг шошилинч асоратларида хирургик тактика» деб номланган учинчи бобида bemорларни операциядан олдинги даврда бошқариш протоколи келтирилган бўлиб, унда операциядан олдинги тайёргарлик ишлари bemорлар хирургия бўлимига қабул қилинган вақтдан бошлаб диагностика тадбирлари билан параллел равишда олиб борилган, шунингдек, таққослаш гуруҳида анъанавий даволаш ёндашувлари бўйича қўлланган хирургик тактика ҳам кўрсатилган.

Таққослаш гуруҳида шошилинч операцияларга сабаб бўлган ҳолатлар куйидагида бўлган: сигмасимон ичак буралиши (СИБ) ичак гангренаси бўлмаган ҳолда – 42 bemор (51,9%); СИБ ичак гангренаси билан – 11 bemор (13,6%); битишмали ичак тутилиши – 7 bemор (8,6%); долихоколон ва долихосигма (ДС) – 6 bemор (7,4%); асоратланган дивертикуляр касаллик (ДК) – 15 bemор (18,5%).

Ретроспектив таҳлил натижасига кўра, операциялар қуйидаги вақт оралиғида бажарилган: илк 6 соат ичида – 27 bemор (33,3%); 7–24 соат ичида – 19 bemор (23,5%); 25–48 соат ичида – 15 bemор (18,5%); 48 соатдан ортиқ вақтда – 20 bemор (24,7%). Алоҳида эътиборга сазовор бўлганлар 25–48 соат ичида госпитализациядан сўнг операция қилинган 15 bemор (18,5%) ва 48 соатдан ортиқ вақтда операция қилинган 20 bemор (24,7%) ҳисобланади. Бу контингент асосан 60 ёшдан ошган, касаллик бошланишидан сўнг нисбатан кеч госпитализация қилинган ва интоксикация аломатлари ҳамда оғирроқ ҳамроҳ терапевтик касалликлар мавжуд бўлган шахслардан иборат.

Таққослаш гуруҳида операция ҳажми қуйидагида бўлган: Бирламчи коло-колоанастомозлар – 27 bemор (33,3%), шулардан: «охирини ёнга» тамойили бўйича – 5 bemор (6,2%); «ёнини ёнга» тамойили бўйича – 11 bemор (13,5%); инвагинацион анастомоз шаклида – 11 bemор (13,5%). Шу билан бирга, оғирроқ ҳамроҳ патология мавжудлиги сабабли 6 bemорда (7,4%) Гаген-Торн усулида мезосигмопликация билан деторсия амалга оширилган.

Алоҳида эътиборга сазовор бўлган ҳолат шуки, шошилинч операциялар давомида: 31 bemорда (38,2%) Гартман типи бўйича колостома қўйилган; Т-шаклли комбинирланган стома ва «ёнини охирига» анастомоз – фақат 5 bemорда (6,2%); У-шаклли комбинирланган стома – 3 bemорда (3,7%) амалга оширилган.

42 bemорда (51,9%) СИБ ичак гангренаси бўлмай, бирламчи коло-колоанастомозлар 15 bemорда (18,5%) шакллантирилган: «охирини ёнга» – 3 bemор (3,7%), «ёнини ёнга» – 7 bemор (8,6%) ва инвагинацион анастомоз – 5 bemор (6,2%). Ичакнинг ҳаётийлиги сақланган, оғирроқ ҳамроҳ терапевтик касалликлар ва кекса ёшдаги bemорлар ҳолатларида Гаген-Торн усулида мезосигмопликация билан деторсия 6 bemорда (7,4%) амалга оширилган. Гартман типи бўйича колостома 18 bemорда (22,2%), Т-шаклли комбинирланган стома ва «ёнини охирига» анастомоз – 2 bemорда (2,5%), У-

шаклли комбинирланган стома ва «охирини ёнга» анастомоз – 1 беморда (1,2%) қўйилган. СИБ ичак гангренаси билан кечган 11 беморнинг (13,6%) барчасида колостома шакллантирилган.

Долихоколон (ДК) ва долихосигма (ДС) билан оғриган беморларда бирламчи коло-колоанаастомозлар 2 беморда (2,5%) шакллантирилган: «ёнини ёнга» – 1 бемор (1,2%) ва инвагинацион усулда – 1 бемор (1,2%). Гартман типи бўйича колостома 2 беморда (2,4%), Т-шаклли комбинирланган стома ва «ёнини охирига» анастомоз – 1 беморда (1,2%), У-шаклли комбинирланган стома ва «охирини ёнига» анастомоз – 1 беморда (1,2%) қўйилган. Битишмали ичак тутилишида бирламчи коло-колоанаастомозлар 6 беморда (7,4%) шакллантирилган: «охирини ёнига» – 1 бемор (1,2%), «ёнини ёнга» – 2 бемор (2,5%), инвагинацион усулда – 3 бемор (3,7%), шунингдек, 1 беморда (1,2%) Т-шаклли комбинирланган стома ва «ёнини охирига» анастомоз қўлланган.

ДБ нинг мураккаб шакларида бирламчи колоколоанаастомозлар 4 (4,9%) беморда-«охир-ён томонга» принципи бўйича – 1 (1,2%) - "ёнма - ён" принципи бўйича – 1 (1,2%) ва инвагинация усули билан-ичида шаклланган. 2 (2,5%) бемор. Бир стволли Хартман колостомияси 9 (11,1%) беморда, Т шаклидаги комбинацияланган стома ёнбош – охир анастомоз билан-1 (1,2%) ва "У" шаклидаги комбинацияланган стома охирига ён томонга анастомоз билан - 1 (1,2%) бемор.

Тадқиқот давомида, биз бир йўғон стома қўллаш усулини такомиллаштиридик.


Усул қўйидагича амалга оширилади: эндотрахеал наркоз остида, жарроҳлик майдонини тегишли ишловдан сўнг, ўрта лапаротомия, ўзгарган ичак соҳасини мобилизация қилиш ва резекция қилиш амалга оширилади. Йўғон ичакнинг чап ярмидаги ўсма бўлмаган касалликларнинг шошилинч асоратларининг хусусияти, ўсма касалликларидан фарқли ўлароқ, сигмасимон ичакнинг муҳим қисмини тўғри ичак устида қолдириб, заарланган ҳудудни резекция қилиш имкониятидир. Ректум, сигмасимон ичакнинг бир қисмини камдан-кам истиснолардан ташқари қолдириш мумкин эмас. Бу ҳолат ичакнинг аборал (дистал) учини чап ёнбош соҳасидаги алоҳида кесма орқали қорин олд деворига олиб келиш имконини берди.

Илгари, ичакнинг оғиз (орал) унив аборал (дистал) унив билан таққосланади ва агар унинг узунлиги етарли бўлмаса, у кучланиш белгиларисиз эркин алоқага мобилизация қилинади. Кейин, ичакнинг дистал қисмининг охиридан 20-25 см орқага чекиниб, унинг бўшлиғи 4-4,5 см орасида узунасига очилади. Ичакнинг оғиз (орал) унив ва аборал (дистал) даги ҳосил бўлган тешик ўртасида, ушлагичлар орасида ичак атрофи бўйлаб тугун ичидаги тикувлар қўлланилади. Биринчи қатор чоклар ҳосил бўлгандан сўнг, иккинчи қатор "инвагинацион" тугунли чоклар қўлланилади, бу ерда игна инъекцияси анастомоз чизигидан 0,5 см билан биринчи қатор чизигидан 1,5 см чекинишни бошлайди. бир хил тўқималар сероз-мушак-субмукозал. Кейин игна анастомоз чизигининг қарама – қарши томонига 0,5 см чуқурлик билан

анастомознинг бутун атрофи бўйлаб 2-2, 5 см чуқурлик билан чок қилинади-серо-мушак-субмукозал. Игнанинг девор ичи тиқув ўтиши пайтида ичак бўшлиғи билан алоқа қилмаслик учун ичак шиллиқ қавати ушланмайди. Чокларни маҳкамлаш ва боғлашда инвагинат турига кўра аддуктор ҳалқасини тушириш ҳалқасига" ботириш " билан иккинчи қатор ҳосил бўлади. "охири ён томонга" тамойилига мувофиқ "чўқтирилувчи" Коло-колоанастомоз ҳосил бўлгандан сўнг, париетал қорин парда бу анастомоз остида олдиндан ажратилгандан кейин бутун айлана бўйлаб тикилади. Натижада, ҳосил бўлган анастомоз қорин деворидан ташқарида. Ичакнинг аборал қисмининг учи чап ёнбош минтақасида ҳосил бўлган тешик орқали чиқарилади ва умумий қабул қилинган тарзда ўрнатилади.

Контрапертуралар орқали иккита дренаж трубкаси екстраперитонеал анастомоз майдонига"оқим" тизими шаклида уланади ва терига ўрнатилади.

Операция лапаротомия ярасини санация қилиш ва қатлам-қатлам тикиш билан якунланади. Асептик боғлам қўлланилади (2-расм).



2-расм. Комбинацияланган "У-шакли"даги стома коло-колоанастомоз билан»

Бирламчи анастомоз қўйишга қарши кўрсатмалар бўлганда "чўқтирилувчи" чоклар билан "У-шакли"даги стома ва коло-колоанастомоз шаклидаги компинирланган анастомоз шакллантиришнинг такомиллаштирилган усулининг Гартман операциясига нисбатан бир неча афзалликлари бор:

- инвагинация тури бўйича "инвагинацион" колоколо анастомозининг шаклланиши туфайли анастомоз тиқув чизифидаги юқ камаяди, тиқувнинг "фитил эфекти" бартараф қилинади, анастомознинг механик кучи ва жисмоний зичлигига эришилади;
- шаклланган анастомоз остида қорин пардасини тикиш анастомоз ретракцияси ва пролапсини бартараф қиласи;
- стома орқали таркиби қисман олиб ташлаш ва йўғон ичакнинг проксимал қисмларини қисман, табиий равишда декомпрессия қилиш;

-комбинирланган "У-шакли"даги стомани "чўқтирилувчи" чоклар билан коло-колоанастомозни экстраперитонеал жойлашуви РТО лапаротомиясиз, экстраперитонеал усулдан фойдаланган ҳолда ва энг қисқа вақт ичидаги (15-30 кун) амалга ошириш имконини беради.

- операциянинг тиклаш босқичи амалда ҳаёт учун хавфли асоратлар ва ўлим юзага келишини бартараф этади.

Ўсма бўлмаган йўғон ичакнинг чап ярмининг ўткир тутилиши учун жарроҳлик тактикаси алгоритмини ишлаб чиқдик, унга кўра барча ҳолатларда bemornining умумий аҳволи баҳоланади, ичак тутилишининг клиник кўринишлари аниқланади ва кўшимча асоратлар белгилари аниқланган (3-расм).



3-расм. Ўткир ўсмасиз йўғон ичак тутилишида ташхисот-даволаш алгоритми

Диагностик чора-тадбирлар мажмуаси қуйидаги усулларни ўз ичига олди: клиник текширув, лаборатория диагностикаси; қорин бўшлиғи органларининг ултратовуш текшируви (ултратовуш); МСКТ, йўғон ичакни контраст ва контраст бўлмаган рентгенологик тадқиқотлар усуллари (қорин бўшлиғининг рентгенограммаси, контраст модданинг ўтиши билан оғиз энтерографияси ичак орқали); эндоскопик усуллар (ректороманоскопия, фиброколоноскопия, ирригоскопия).

Қорин шишиши ва ичакнинг хажми катталашишида ультратовуш диагностикасини ўтказиш ва талқин қилиш қийин кечди, бу фақат 1/3 ҳолларда ўткир ичак тутилиши ташхисини тасдиқлаш имконини берди.

Бизнинг маълумотларимизга кўра, 90% ҳолларда КТ текшируви йўғон ичак буралиши даражасини аниқлашга имкон берди.

Эндоскопик усуллар – ректороманоскопия ва колоноскопия диагнозни тасдиқлаш имконини беради. Колоноскопияни ўтказиш учун қарши кўрсатма сифатида декомпенсацияланган ичак тутилиши, диастатик перфорация, перитонит ва беморнинг жуда оғир умумий ҳолати ҳисобланади.

